Hujjat 2015 yil 10 avgust holatiga

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

418 Банкка алоқадор бўлган шахслар билан тузиладиган битимлар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2706

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги ПҚ–2344-сон «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Банкка алоқадор бўлган шахслар билан тузиладиган битимлар тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси **Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2015 йил 22 июль,
19/15-сон

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 10 avgust holatiga

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил
22 июлдаги 19/15-сон қарорига
ИЛОВА

Банкка алоқадор бўлган шахслар билан тузиладиган битимлар тўғрисидаги НИЗОМ

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги ПҚ–2344-сон «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ банкка алоқадор бўлган шахслар билан битимларни тузиш, ушбу битимларнинг ҳисобини юритиш ва улар бўйича ҳисоботни тақдим этишга оид талабларни белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомнинг асосий мақсади Марказий банк томонидан банкка алоқадор бўлган шахслар билан битимлар тузиш юзасидан чекловларни белгилаш ҳисобланади.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

банкка алоқадор бўлган шахслар билан тузиладиган битимлар — кредит ва кредит линиялари, овердрафт, лизинг, факторинг, кредит шартларининг ўзгартирилишининг барча шакллари, қимматли қоғозлар ва ҳар қандай кўринишдаги инвестициялар, қимматли қоғозларни ёхуд хорижий валютани сотиб олиш бўйича ҳар қандай ҳуқуқий асосланган мажбурият, босқичма-босқич тўлаш шарти билан активларни сотиш, аккредитивлар очиш, кафолатлар бериш, мол-мулклар сотиб олиш ҳамда бошқа молиялашлар билан боғлиқ битимлар;

жисмоний шахснинг яқин қариндошлари — эри, хотини, ота-онаси, болалари, туғишган ҳамда ўгай ака-ука ва опа-сингиллари, боболари, бувилари, неваралари.

банкнинг йирик акциядори — банк устав капиталининг 10 фоизи ва ундан ортиғига эгалик қилган ҳар қандай шахс.

3. Банкка алоқадор бўлган шахсларга қуйидагилар киради:

а) банкнинг мансабдор шахслари, жумладан банк кенгашининг аъзолари, ушбу банкнинг барча ходимлари ва уларнинг яқин қариндошлари;

б) банк устав капиталининг 10 фоизи ва ундан ортиқ қисмига эгалик қилиб турган жисмоний шахс ва унинг яқин қариндошлари;

в) банк устав капиталининг 10 фоизи ва ундан ортиқ қисмига эгалик қилиб турган юридик шахснинг мансабдор шахслари, шунингдек уларнинг яқин қариндошлари;

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 10 avgust holatiga

г) банк юридик шахснинг қатнашчиси (акциядори) бўлиб, унинг устав капиталидаги улуши 10 фоиздан ортиқ бўлса, мазкур юридик шахс, унинг мансабдор шахслари ва бу шахсларнинг яқин қариндошлари;

д) банкнинг йирик акциядори (жумладан, юридик ва жисмоний шахс) йирик акциядори бўлган ёки кучли таъсир кўрсатадиган ёхуд алоқадор шахс бўлган юридик шахс ёки жисмоний шахсларнинг уюшмалари.

4. Ҳар қандай шахс банкка алоқадор шахс кўрсатмасига асосан ҳаракат қилаётган бўлса ёки банкка алоқадор шахс ушбу битимдан манфаатдор бўлса, ушбу шахс банкка алоқадор шахс номидан ҳаракат қилаётган ҳисобланади. Банкка алоқадор шахслар номидан ҳаракат қилаётган шахсларга қуйидагилар киради:

банкка алоқадор шахсларнинг ҳуқуқий вакиллари;

банкка алоқадор шахслар билан ўзаро тузилган битимга асосан банкка алоқадор шахснинг номидан ҳаракат қилиш ваколатига эга бўлган шахслар;

тузиладиган битимдан олинадиган фойдани бевосита ёки билвосита банкка алоқадор шахсларга берадиган шахслар;

банкка алоқадор шахс кучли таъсирини ўтказа оладиган юридик шахслар;

банкнинг йирик акциядори унинг ҳам йирик акциядори бўлган юридик шахслар.

5. Банкка алоқадор шахс қуйидаги ҳолларда юридик шахсга кучли таъсир ўтказа оладиган ҳисобланади:

агар банкка алоқадор шахс юридик шахснинг йирик қатнашчиси (акциядори) бўлиб, юридик шахс устав капиталининг 10 фоиз ва ундан ортиғига эгалик қилса;

банкка алоқадор шахс қатнашчилари (акциядорлари), раҳбарияти билан расмий келишувга асосан юридик шахс фаолиятини бошқариш ёки раҳбарлик қилиш имкониятига эга бўлса;

агар банкка алоқадор шахс қатнашчиси бўлган юридик шахс тўлиқ ширкат бўлса.

6. Банкларнинг ўзига алоқадор бўлган шахслар билан ёки улар номидан тузадиган битимлари ўзига алоқадор бўлмаган шахслар билан тузадиган битимларга қараганда анча қулай шартларга асосланса, уларнинг бундай битимларни тузиши тақиқланади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган битимлар, хусусан қуйидагиларни ўз ичига олади:

таваккалчилиги юқори бўлган ёки бошқа ноқулай ҳолатлар туфайли банк ўзига алоқадор бўлмаган шахслар билан тузмайдиган битимлар;

банкка алоқадор бўлмаган шахслардан олинадиган фоиз ёки воситачилик ҳақларига нисбатан кам миқдорда фоиз ёки воситачилик ҳақларини ундириш;

банкка алоқадор шахсларга кўрсатилган хизмат учун банкка алоқадор бўлмаган шахслар томонидан тўланадиган суммадан кам миқдорда ҳақ тўлаганда ёки хизмат ҳақи умуман тўланмаганда;

банкка алоқадор бўлмаган шахсларга кредитларни тўлов муддатларини

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 10 avgust holatiga

узайтириш ҳуқуқи берилмайдиган вазиятда, банкка алоқадор шахсларга қарздорликлари бўйича тўлов муддатларини узайтириш;

банкка алоқадор бўлмаган шахсларга нисбатан банкка алоқадор шахсларнинг таваккалчилик шартларини жорий назорат қилишда қулайликлар яратиш, уларни қоплаш ёки ҳисобдан чиқариш;

банкка алоқадор шахслардан муайян активларни худди шу активларни алоқадор бўлмаган шахслардан сотиб олишига қараганда юқори баҳода сотиб олиш;

банкка алоқадор бўлган шахсларга муайян активларни худди шундай активларни алоқадор бўлмаган шахсларга сотганда олиниши мумкин суммадан кам бўлган суммага сотиш;

фаолият кўрсаткичлари ёмонлиги ёки таваккалчилик даражасининг юқори бўлганлиги сабабли, бошқа юридик шахсларнинг қимматли қоғозларига инвестиция қилинмайдиган ҳолларда банкка алоқадор шахсларнинг қимматли қоғозларига инвестиция қилиш;

банкка алоқадор шахслардан ноликвид активларни қабул қилиш ёки ноликвид активларни банкка алоқадор шахслардан кредит таъминоти сифатида қабул қилиш.

7. Банкка алоқадор шахслар ўртасидаги барча битимлар ишончли ва хавфсиз банк амалиётига мос ҳолда амалга оширилиши керак.

2-боб. Банкка алоқадор бўлган шахслар билан тузиладиган битимларни амалга ошириш

8. Банкка алоқадор бўлган шахслар билан битимлар фақат банк Кенгаши рухсати билан амалга оширилиши мумкин.

9. Банкка алоқадор бўлган Кенгаш аъзоси банк ҳамда қуйидаги шахслар ўртасида тузиладиган битимларнинг муҳокамасида иштирок этмаслиги ёки бошқа усуллар билан Кенгаш қарорига таъсир қилмаслиги лозим:

банкка алоқадор бўлган Кенгаш аъзосининг ўзи;

банкка алоқадор бўлган Кенгаш аъзосининг яқин қариндошлари;

банкка алоқадор бўлган Кенгаш аъзоси ёки унинг яқин қариндошлари йирик акциядори бўлган ёки кучли таъсир ўтказадиган ҳар қандай юридик шахс;

мазкур банднинг иккинчи — тўртинчи хатбошиларида келтирилган шахслар номидан ҳаракат қилаётган ҳар қандай шахс.

10. Банкка алоқадор бўлган шахс билан банк ўртасидаги ҳар қандай битимга оид Кенгаш қарори битимнинг барча тегишли шартларига оид ахборотларнинг тўлиқ берилишига асосланган бўлиши керак.

11. Кредит битимлари бўйича бу ахборотлар ўз ичига кредит миқдори, фоиз ставкаси, қарз олувчининг молиявий аҳволи, унинг олган кредитини ўз вақтида қайтара олиш имконияти тўғрисида молиявий ахборот, кредитнинг таъминланганлик миқдори тўғрисидаги маълумотларни қамраб олиши зарур.

12. Банк активларининг олди-сотди операцияларига доир маълумотда активларнинг қийматини тасдиқловчи ахборот бўлиши керак.

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 10 avgust holatiga

13. Банк Кенгаши банкка алоқадор шахслар билан битимлар тузиш юзасидан берилган рухсатларнинг ҳисобини юритиши керак.

14. Банкка алоқадор шахс билан тегишли битим тузилишига банк Кенгаши томонидан рухсат берилгач, мазкур битим ўрнатилган тартибда кўриб чиқилади.

15. Банкка алоқадор бўлган юридик шахсларга қилинган инвестициялар банкка алоқадор бўлмаган шахсларга қўйилган инвестициялар каби даврий равишда қайта баҳоланиши ва мониторингдан ўтказилиши керак.

3-боб. Банкка алоқадор бўлган шахсларга тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси

16. Банкка алоқадор бўлган битта шахсга тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси банкнинг биринчи даражали капиталининг 25 фоизидан ошмаслиги лозим.

17. Банкнинг барча алоқадор бўлган шахсларига тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси банк биринчи даражали капиталининг 100 фоизидан ошмаслиги лозим.

18. Мазкур Низомнинг 16 ва 17-бандларига мувофиқ банкка алоқадор битта шахсга тўғри келувчи таваккалчилик суммасини аниқлашда кредит ва кредит линиялари, овердрафт, лизинг, факторинг, кредит шартларининг ўзгартирилишини барча шакллари, қимматли қоғозлар ва ҳар қандай кўринишдаги инвестициялар, қимматли қоғозларни ёхуд хорижий валютани сотиб олиш бўйича ҳар қандай ҳуқуқий асосланган мажбуриятнома, босқичма-босқич тўлаш шарти билан активларни сотиш, аккредитивлар очиш, кафолатлар бериш, мол-мулклар сотиб олиш ҳамда бошқа молиялашлар билан боғлиқ битимлар ҳамда қарздорни тўлов мажбурияти бўйича банкрот деб эълон қилиниши натижасида бекор қилинган ҳолатдан ташқари ҳисобдан чиқарилган барча суммалар ҳисобга олинади.

19. Банкка алоқадор бўлган шахсларга тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражасини аниқлашда қуйидагилар ҳисобга олинмайди:

бошқа банкларга қайтиб сотиб олиш мажбуриятисиз сотилган кредитлардаги иштироки учун олинган фойда;

қимматли қоғозларнинг ва кафолатларнинг бозор қиймати кредитларни 125 фоизга қоплай оладиган давлат қимматли қоғозлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг кафолати ёки бошқа мажбуриятлари билан таъминланган кредитлар;

банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига қайта молиялаштирилган кредитлар;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан алоҳида чекловлар белгиланиши мумкин бўлган, одатда қўлланиладиган вакиллик муносабатлари доирасида жойлаштирилган банкнинг унга алоқадор ҳисобланган бошқа банкдаги депозит маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ–4053-сон «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий бар-

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 10 avgust holatiga

қарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, банкларга кимошди савдолари ва танлов асосидаги савдоларда шахсий мулк сифатида сотилган ишлаб чиқариш банкрот-корхоналари мулки негизида тузилган корхоналарга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги Ф—4010-сон Фармойиши билан тасдиқланган Иқтисодий ночор корхоналарни аукцион ва танлов савдоларида банкларга реализация қилиш тартибига мувофиқ, хўжалик судларининг қарорларига кўра тугатиш қиймати бўйича банк-кредиторлар балансига қабул қилинган ишлаб чиқариш банкрот-корхоналари мулки негизида тузилган корхоналарга берилган кредитлар.

20. Банкка алоқадор шахсга ёки унинг номидан фаолият кўрсатувчи шахсга бериладиган ҳар қандай кредит, таъминот сифатида давлат қимматли қоғозлари қўйилганда кредитнинг 125 фоиз миқдорида ёки бошқа таъминот воситаси қўйилганда кредитнинг 130 фоиз миқдорида бозор баҳосидаги таъминот билан таъминланиши шарт.

21. Агар таъминот қиймати мазкур Низомнинг 20-бандидаги талабларга жавоб бермаса, таъминот ўзгартирилиши ёки мазкур Низом талабларига мос келадиган қийматдаги таъминот билан тўлдирилиши керак.

4-боб. Ҳисоб ва ҳисобот

22. Ҳар бир банк банкка алоқадор шахслар ёки улар номидан иштирок этувчи шахслар билан амалга оширган барча битимлар тўғрисидаги ойлик ҳисоботни Марказий банкка тақдим этиши лозим.

23. Ҳисобот ўтган ой мобайнида амалга оширилган ва ҳисоботни тақдим этиш санасига амалда бўлган барча операциялар рўйхатини ўзида акс эттириши керак. Ҳисобот банкка алоқадор юридик шахснинг тўлиқ номини, алоқадор жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини, битим суммасини, бериш ва қайтариш муддатларини, кредитни таъминлаш турларини ва кредит шартномасида кўзда тутилган бошқа шартларни ўз ичига олиши зарур.

24. Ҳар бир банк унинг раҳбар ходимлари, шунингдек банкнинг йирик акциядорлари ҳисобланган жисмоний шахслардан йилига бир марта яқин қариндошлари ва яқин қариндошларидан бири томонидан кучли таъсир ўтказиши мумкин бўлган шахслар рўйхатини шакллантириши керак.

25. Банк Кенгашининг барча ҳисоботлари ва қарорлари 10 йил мобайнида сақланиши лозим.

5-боб. Якуний қоида

26. Мазкур Низом талаблари банклар томонидан бузилган тақдирда Марказий банк Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 53-моддасида назарда тутилган чора ва санкцияларни қўллашга ҳақли.

WWW.LEX.UZ